



солиб, ўз ният-мақсадларига кўра, улардан фойдаланишган. Санойи ва Атторминг издошлари бўлмиш Жалолиддин Румий ўз устозларининг ишларини давом эттириб, нафақат ирфоний шеърятни ривожланишига салмоқли улуш қўшди, балки ҳикояна-висликда ҳам янги қирраларни кашф этишга муваффақ бўлди.

Айтиш лозимки, ҳикоят жанри Шарқ адабиётида жуда чуқур илдиз отган жанрлардан бири ҳисобланади. Мумтоз адабиётда ҳикоят жанридан фойдаланилмай қолган бирорта таълимий, ахлоқий асарни учратиш амри маҳол. Зеро, қадим замонлардан ҳар бир фикрга ойдинлик киритиш учун тамсил сифатида ҳикоят ва ривоятлардан фойдаланиш расм бўлиб қолган эди.



РАҲНАВАРД ЗАРЁБ ҲИКОЯЛАРИДА СЮЖЕТ ЯРАТИШ МАҲОРАТИ

КАБИРОВА НАРГИЗА

Таянч докторант, ТошДШИ

Аннотация. Бу мақолада Раҳнавард Зарёбнинг “Тилсимланган шаҳар” номли ҳикоясидаги сюжет линияси таҳлил қилинади. Ҳикоя ҳали ҳаётнинг аччиқ чучугини татимаган содда боланинг тилидан баён қилинади. Аммо бу содда баён замирида афғон жамиятининг аччиқ ҳаётини муаммолари ўз инъикосини топади.

Таянч сўз ва иборалар: мудҳиш қисмат, пейзаж, адолатсизлик, конфликт, симпатия, антипатия.

Аннотация. В статье анализируется линия сюжета рассказа «Проклятый город» Рахнаварда Зарьяба. Данный рассказ был изложен словами простого ребёнка, который ещё не понимает житейские трудности. Однако в его простом изложении нашли отражение проблемы тяжелой жизни афганского общества.

Опорные слова и выражения: трагическая судьба, пейзаж, несправедливость, конфликт, сюжет, симпатия, антипатия.

Abstract: In this article, it is analyzed the line of plot of the story “Damned City” by Rakhnaward Zaryab. This story has been stated by words of the simple child, which hadn't understood difficulties of the life yet. However the problems in the difficult life of the Afghan society have found own reflection in his simple statement.

Keywords and expressions: awful destiny, a landscape, injustice, chronical, concentric, conflict, plot, sympathy, antipathy.

Афғонистон адабиётида замонавий насрий жанр турлари кўлами жуда кенгдир. Бирок уларнинг ичида ҳикоячилик бошқаларига нисбатан кенгроқ ривож топмоқда. Бу жанрда ижод қилиб келаётган таниқли афғон адиби Раҳнавард Зарёбдир. Ёзувчининг ёзган асарларида сюжет яратилишини ғоявий мазмун

бошқаради, ғоявий мазмунни уйғун ҳолда характерлар намоён бўладиган ва ҳаёт зиддиятларини умумлаштирадиган воқеалар силсиласи кашф этади. Воқеалар силсиласи ўз навбатида асар ғоясини бадиийлаштиради, уни жонлантиради. Раҳнавард Зарёб ҳикояларида ҳам худди шундай бадиийликни кузатишимиз мумкин.



Бунга унинг “Тилсимланган шаҳар” (“شهر طلسم شده”) ¹ ҳикояси мисол бўла олади.

“Қаттиқ шамол ўзини шаҳар деворига урар, гулдулар, худди қафасга тушиб қолган жонивор каби ўзини ҳар ерга урарди. Деворлардан ошиб ўтар, томларда рақс тушар ва дераза ортидан одамларга таҳдид қиларди. Шаҳарни туман қоплаган, чанг аралаш шамол дастидан ҳаммаёқ қоронғи эди” ².

Ҳикоя асосий қаҳрамонларидан бири – бола тилидан баён этилади. Ҳикояда тасвирланган воқеалар тизимининг ўзаро муносабатига кўра хроникал ва концентрик турларга мос келишини кўришимиз мумкин. Чунки ҳикояда воқеалар орасидаги вақт муносабати етакчилик қилади, шунингдек, ҳикояда тасвирланган воқеалар орасидаги сабаб-натижа муҳим аҳамият касб этади.

Ҳикояда ночор бир оиланинг тақдири, уларнинг ижарага олинган уйда ота-она ва тўрт фарзанднинг қанчалик қийинчилик билан яшаётгани тасвирланади. Бола ўз отасини доимо асабий ҳолда кўради, онасига жаҳл билан “Бесузи, ҳой менинг қисматимга битилган Бесузи...” деб бакириб чақиришини, онаси эса ҳар гал шошилиб “Нима бўлди... нима гап?” ³, - деб ҳавотирга тушиб гапиришини ёзувчи маҳорат билан тасвирлашида кўзга ташланади.

Ҳикоядаги боланинг акаси образи ҳам ёзувчи томонидан худди оиланинг танг аҳволини очиб бериш учун яратилгандек туюлади. Отаси ва “Текинхўр” номини олган ака ўртасидаги жанжаллар вақтида бола доим уларнинг устидан кулар, масҳара қилар эди. Уларнинг гапини баланд овозда масҳараомуз такрорларди. Баъзи пайтларда ҳатто беихтиёр гиламга ётиб олиб, у ердан бу ерга хахолаб думаларди.

Шу ўринда бир савол туғилади, ёзувчи нега айнан ота ва ўғил жанжали вақтида бошқа бир фарзандининг кулишини тасвирлайди? Бундан кўринадики, Раҳнавард Зарёб бир оила тақдир-

ини тасвирлаш орқали афғон халқининг бошидан кечираётган қийинчиликларига бир томондан ачиниш, иккинчи томондан танқидий муносабатини билдиради.

Раҳнавард Зарёб ҳикояларида ранглар символикасига ҳам катта эътибор қаратилади, жумладан, “Онам қора матони бошига ўраганча кўрқиб хона бўйлаб юрарди” ⁴.

Бу ерда айнан қора матони бошига ўраб юриши ҳаёт қийинчиликларидан дарак беради ва қора ранг Раҳнавард Зарёб ижодида айнан шу маънода қўлланишини унинг бошқа асарларида ⁵ ҳам кузатиш мумкин. Аслида жаҳон адабиёти намуналарида ҳам қора ранг фожеадан дарак беради. Ушбу ҳикоядаги қора ранг эса онанинг зулмат исканжасида ҳаёт кечираётганини кўрсатади.

Ҳикоянинг фожеали жихатларидан бири – уларнинг “уйсиз” эканликларидадир.

“Биз “уйсиз” халқ эдик. Отам доим шуни гапирарди. Бизнинг камбағаллигимизни кўрсатмоқчи бўлганида маъносиз билан бошини қимирлатиб, дерди: - Биз уйсизлар энди нима қиламиз?” ⁶

Ижарага олинган уй ҳам уларга ўттиз минг афғонийга берилганди. Бу ўттиз минг эса отанинг доим диққат марказида турар эди. Оиладagi ҳар бир гап айланиб келиб шу ўттиз мингга тақаларди. Ҳатто уйкусида ҳам бир неча марта ўттиз минг ҳақида гапиргани, овқатланаётганида ҳам, ҳатто ўғли билан жанжаллашаётганида ҳам ўттиз минг ҳақида гапиравериши отанинг энг катта муаммоси сифатида тасвирланган. Баъзи баъзида хурсанд бўлиб қолса, ён атрофига қараб худди ўзи билан ўзи гаплашаётгандек, дерди:

“Ўттиз мингимиз бор, яна йигирма минг топсак яхши бўларди. Бу ўттиз мингга бир парча ер сотиб оламиз ва йигирма мингга уй қураимиз. Фақат яна йигирма минг....” ⁷

¹ رهنورد زریاب. آثاری از میان قرنہا. شهر طلسم شده. کابل، 1362. ص. 11-1.

² Шу китоб, 1-б. Таҳилда берилган ҳикоя муаллиф томонидан таржима қилинган. Кейинги цитаталар ҳам айнан шу манбадан келтирилган.

³ Шу китоб, 2-б.

⁴ Шу китоб, 3-б.

⁵ Поляков Г. Азам Раҳнавард Зарьяб. “Портрет” и другие рассказы. – М., 1983. –С.250-263.

⁶ Шу китоб, 4-б.

⁷ Поляков Г. Азам Раҳнавард Зарьяб. “Портрет” и другие рассказы. – М., 1983. –С.6

Сюжетда образларнинг ўзаро алоқалари, улар ўртасидаги қарама-қаршиликлар, симпатиялар ва антипатиялар бор экан, демак, ёзувчи ҳикояда ҳаёт зиддиятларини акс эттиради, бадий тасвирлайди ва китобхонга етказди. Ҳаётини зиддиятлар ҳикояда ифода этилган ғоялар, тасвирланган характерлар ва кайфиятлар кураши тарзида кўчади ва у конфликт деб юритилади. Биз таҳлил қилаётган ҳикояда ҳам қаҳрамонлар муносабатидаги келишмовчилик ва зиддиятлар яққол намоён бўлади.

Шу вазиятда ҳикояда кескин бурилиш юз беришининг гувоҳи бўламиз:

“Отам уйқудан уйғониб қараса, пул жойида йўқлигини кўриб, ақлдан озай деди. Отам худди камондан отилган ўқдек, ертўланнинг эшигини очиб дастга тушиб кетди. Бир оздан сўнг ҳолсиз қайтиб чиқди: - Йўқ, бу ерларда йўқ. Ўттиз мингни топа олмади. Сўнг ўрнидан туриб, дераза томонга югурди, деразани очиб, худди кўчада ким биландир гаплашаётгандек, бақирди. - Олиб кетибди, “Текинхўр” охир-оқибат ўттиз мингни олиб кетибди...”¹

Ночор ота гўёки шу ўттиз мингга барча орзуларини, фаровон ҳаётини сотиб олмоқчидай эди, энди эса бор орзу умидлари, уй ва тўкин ҳаёт булар учун ушалмас орзу бўлиб қолган эди:

“Отам деворга суяниб ўтириб олди, ҳанг-у манг бўлиб қолганди. Номанум нуқтага тикилиб турарди. Бироз муддат шу аҳволда ўтирди, сўнг йиғлашга тушди: - Энди биз нима қиламиз... биз уйсизлар...”²

Шу ҳолатда ҳам ота ўттиз минг бор эдия, яна йиғирма минг бўлганида ўзига тегишли бир уй сотиб олиши мумкинлигини такрорлайди. Энди ўша ўттиз минг қиморхоналарда йўқ бўлиб кетишини ўйлаб, чуқур қайғуга ботиб қолган эди.

“Сўнг синглимнинг юзига қараб, ўрнидан туриб, уни меҳр билан бағрига босди, пешонасидан ўпиб деди: - Энди сизлар нима қиласизлар... Уйсизлар... бошпанасиз қолдингиз...”³

Буни қўзатиб турган укам бошини эгиб, қимирлатарди, қиқир-қиқир кулгисининг овози деворларга урилиб, отамга қайтарди³.

Ҳозир олдида турган ҳамма нарсани олиб унга қараб отса керак, деб ўйлагандик, лекин ундай бўлмади. Аксинча, олдида бориб, мулойимлик билан бағрига босиб, сочларидан ўпиб шундай деди:

“Бечора... Бечора болам... Сизлар энди нима қиласизлар? Бу шаҳарда... Бу тилсимланган шаҳарда...”⁴

Ота лаънатланган бу шаҳарни қарғиш баробарида, бу мамлакатда одамнинг қадр-қимматини “пул” белгилашини, энди уларни жамият олдида ҳеч қандай ўрни йўқлигини англаш отага каттиқ таъсир қилиб, унинг оламдан кўз юмиши куйидаги сатрларда намоён бўлади:

“Худди адоватини унутиб ухлаётгандек эди. Бироздан сўнг акам хурсанд ҳолда хона эшиги олдида пайдо бўлди. Юзидан бахт порларди. Отам ётганини кўриб, секин сўради:

- Ухлаяптими?

Ҳеч ким жавоб бермади, баланд овозда деди: - Уйғотинг... Агар яна йиғирма минг бўлганда уй эгаси бўламиз деган эди... Мен йиғирма минг олиб келдим, йиғирма минг...”⁵

Ўғли отасига қараб кеч қолганлигини тушунади. Ўғлининг йиғирма минг олиб келганини ота гўё эшитгандай, юзида енгил табасум пайдо бўлгандек туюлади. Эҳтимол тилсимланган шаҳар устидан кулгандир. Оиладагилар эса шаҳарга ҳеч нарсаси бўлмаганини, қарғишга учраган уларнинг ўзлари эканлигини ҳаёлларидан ўтказар эдилар.

Ҳикоя асосида шуни айтиш мумкинки, ота образида ёзувчи жаҳлдор инсонни эмас, ўз оиласининг аччиқ қисмати, уни яхшилаш учун чора қидираётган инсон, лекин бундай ҳаётга қарғиш теккан бу шаҳарда эриша олмаслигига ачинаб яшаган, ҳаттоки, қўлида пул бўлса ҳам бирон бир тайинли иш қила олмаган инсонни тасвирлаган. Оиладаги ҳар бир фарзанд характери орқали афғон жамиятидаги ёшлар ҳаёти, жамиятда юз бераётган воқеалар очиб берилади. Ёзувчининг кўп асарларидагидек, бу ҳикоя ҳам фожеали, яъни отанинг ўлими билан якун

¹ Шу китоб, 7-б.

² Шу китоб, 8-б.

³ Шу китоб, 9-б.

⁴ Шу китоб, 10-б.

⁵ Шу китоб, 11-б.



топади. Бу фожеалар эса афғон халқининг муд-
хиш муаммоларидан бири эканлигини ёзувчи
бош ғоя сифатида олиб чиққан.

Муайян муҳитдаги қаҳрамонларнинг феъл-
атвори, хатти-ҳаракати, кўнглида кечган туйғу-
лар ўзгариши орқали қаҳрамон психологияси
ва шу асосда давр психологияси очилади. “Тил-
симланган шаҳар” ҳикоясида ҳам айнан ана
шундай вазиятларнинг гувоҳи бўламиз.

Демак, ҳикоядаги воқеалар ва образлар
тизими орқали афғон халқининг оғир қис-
мати, жамиятда ҳукм сураётган адолатсиз-
лик ва келажакка бўлган ишончсизлик акс
этирилган. Бу қисмат ҳақидаги ёзувчининг
мулоҳазаси ҳикоянинг “Тилсимланган ша-
ҳар” деб номланишидаёқ ўз аксини топган.

Ҳикояда сюжет билан композициянинг
ўзаро уйғунлашуви ҳикоядаги воқеа ва тас-
вирларни мазмунли ва таъсирчанлигини таъ-
минлайди. Бундай уйғунлик Раҳнавард Зарёб-
нинг кўпгина асарларида, хусусан, таҳлилга
тортилган “Тилсимланган шаҳар” ҳикояси
мисолида яққол кўзга ташланади.

Шунингдек, Раҳнавард Зарёб асарларида
ижтимоий муоммоларни оддий одамлар ҳаёти
орқали ёритар экан, у мана шу соҳадаги инсон-
ларнинг реал ҳаётини, уларнинг муаммолари-
ни, руҳий ҳолатларини атрофлича ҳаққоний
очиқ беришга ҳаракат қилган.

Раҳнавард Зарёбнинг юқорида таҳлил қи-
линган психологик ҳикоясида, ҳаётнинг мурак-
каб синовлари бошига тушган инсонларнинг
руҳий кечинмалари, изтироблари ёритилган.
“Тилсимланган шаҳар” ҳикоясида яқин инсо-
нидан айрилиш ҳодисасини инсоннинг ақл-
ҳушига, руҳиятига фожеавий таъсири баён
этилган бўлиб, ўзининг мураккаб сюжетлилиги,
сермазмунлиги, драматик нуқталарининг қиз-
гинлиги билан ёзувчининг бошқа асарларидан
кескин фарқ қилади. Бу ҳикоянинг ўзига хос
хусусияти шундаки, унда нафақат инсоннинг
ёлғизлиги, балки инсоннинг орзу-ҳаваслари,
хоҳиш-истаклари масаласи ҳам баён этилган.

Бизга маълумки, меҳр-оқибат ва кадр-
қимматнинг йўқолиши, ёлғизликка интили-

ши, фақат ўз манфаатини ўйлаши, кибр-у
ҳаво ва манманлик каби салбий ахлоқий
муаммолар барча адибларни доим қийнаб
келган ва ўз асарларида бу муаммоларга кат-
та ўрин бериб келганлар. Раҳнавард Зарёб
ҳам ўз ижодида мана шу умумбашарий
муаммоларни ўзига хос бадиий усуллар би-
лан яратишга ҳаракат қилган. У “Тилсимлан-
ган шаҳар” номли ҳикоясида ахлоқий муам-
моларни мистик сюжет ва рамзий образлар
орқали ёритган. Бу ҳикояларни таҳлил қилиб,
адибнинг бой фантазия ва кенг дунёқарашга
эга эканлигига яна бир бор гувоҳи бўламиз.

Раҳнавард Зарёб ҳикояларини содда адабий
тилда ёзади. Уларда лаҳжага хос сўз ва ибора-
лар учрамайди. Ҳаётни бадиий тасвир қилиш
услуби жиҳатидан ёзувчи ижодида бир неча
методларни кузатишимиз мумкин. Хусусан,
ёзувчининг ижтимоий мавзудаги ҳикояларида
бу ҳол кўп учрайди ва унга қуйидагича таъриф
берсак бўлади: ҳикоялар тасвирига кўра *роман-
тик* (воқеликдан *норозилик, меҳр-муҳаббат за-
монини, омонлик фаслини қўмсаи, табиатга
ёки ижодга суяниши ва ҳ.к.*), асарга юкланган
мазмунини ифода қилиш принциpigа кўра
символистик (*сарик – айрилиқ, ёлғизлик, қизил
– севги-муҳаббат, қора – фожеа, ижтимоий-
сиёсий ҳаётдаги кўнглисизлик*), ҳаёт
ҳақиқатига кўра *реалистик* (*ҳаёт муаммолари-
ни ҳал этиши*)дир.

Раҳнавард Зарёб ўзининг бетакрор ҳикоя-
лари, поэтик тафаккурининг ёрқинлиги, бади-
ий маҳоратининг юксаклиги билан ҳозирги за-
мон афғон ҳикоячилигида ўзига хос овозга эга
бўлган машҳур ёзувчидир.

